

# **PEDAGOGIK MAHORAT**

*ilmiy-nazariy va metodik jurnal*

**№ 2  
2016**

ISSN 2181-6883

# **PEDAGOGIK MAHORAT**

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

№ 2, 2016

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro, 2016

**PEDAGOGIK MAHORAT**  
**Ilmiy-nazariy va metodik jurnal**  
**№ 2, 2016**

Jurnal 2001-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2016-yil 22-fevral № 05-072-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy  
Elektron manzil: ped\_mahorat@umail.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Adizov Baxtiyor Rahmonovich – pedagogika fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinbosari:** Navro'z-zoda Baxtiyor Negmatovich – iqtisod fanlari doktori, professor

**Mas'ul kotib:** Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

*To'laganov Abdugobil Abdumabiyevich*, texnika fanlari doktori, professor  
*Begimqulov Uzoqboy Shoyimboyevich*, pedagogika fanlari doktori, professor  
*Mahmudov Mels Hasanovich*, pedagogika fanlari doktori, professor  
*Ibragimov Xolboy Ibragimovich*, pedagogika fanlari doktori, professor  
*Choriyev Abdushukur Choriyevich*, pedagogika fanlari doktori, professor  
*Qabborov Siddiq Qabborovich*, pedagogika fanlari doktori, professor  
*Barotov Sharif Ramazonovich*, psixologiya fanlari doktori, professor  
*Jabborov Azim Meyliqulovich*, psixologiya fanlari doktori, professor  
*Sunnatova Ra'no Izzatovna*, psixologiya fanlari doktori, professor  
*Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich*, texnika fanlari doktori, professor  
*Amonov Muxtor Raxmatovich*, texnika fanlari doktori, professor  
*O'rayeva Darmonoy Saidjonovna*, filologiya fanlari doktori, professor  
*Asmedova Shoiri Ne'matovna*, filologiya fanlari doktori, professor  
*Durdiyev Durdimurod Qalandarovich*, fizika-matematika fanlari doktori, professor  
*Hayitov Shodmon Asmadovich*, tarix fanlari doktori, professor  
*To'rayev Halim Hojiyevich*, tarix fanlari doktori, professor  
*Mirzayev Shavkat Mustaqimovich*, texnika fanlari doktori, professor  
*Mahmudov Nosir Mahmudovich*, iqtisod fanlari doktori, professor  
*Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich*, biologiya fanlari doktori, professor  
*Olimov Shirinboy Sharfovich*, pedagogika fanlari doktori, professor

© Pedagogik mahorat, 2016

**ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ МАСТЕРСТВО**  
**Научно-теоретический и методический журнал**  
**№ 2, 2016**

Журнал основан в 2001г.

Журнал выходит 4 раза в год

Журнал зарегистрирован Бухарским управлением агентства по печати и массовой коммуникации Узбекистана.

Свидетельство о регистрации средства массовой информации ПИ № 05-072 от 22 февраля 2016 г.

**Учредитель:** Бухарский государственный университет

**Адрес редакции:** Узбекистан, г. Бухара, ул. Мухаммад Икбол, 11.

e-mail: ped\_mahorat@umail.uz

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

**Главный редактор:** Адизов Бахтиёр Рахманович – доктор педагогических наук, профессор

**Заместитель главного редактора:** Навруз-заде Бахтиёр Нигматович – доктор экономических наук, профессор

**Ответственный редактор:** Хамраев Алижон Рузикулович – кандидат педагогических наук, доцент

*Тулаганов Абдукабил Абдунабиевич, доктор технических наук, профессор*  
*Бегимкулов Узакбай Шаимбаевич, доктор педагогических наук, профессор*  
*Махмудов Мэлл Хасанович, доктор педагогических наук, профессор*  
*Ибрагимов Холбой Ибрагимович, доктор педагогических наук, профессор*  
*Чориев Абдушукур Чориевич, доктор педагогических наук, профессор*  
*Кажжаров Сиддик Кажжарович, доктор педагогических наук, профессор*  
*Баратов Шариф Рамазанович, доктор психологических наук, профессор*  
*Джаббаров Азим Мейликулович, доктор психологических наук, профессор*  
*Суннатова Рано Иззатовна, доктор психологических наук, профессор*  
*Таджиходжаев Закирходжа Абдусаттарович, доктор технических наук, профессор*  
*Аманов Мухтор Рахматович, доктор технических наук, профессор*  
*Ураева Дармоной Саиджановна, доктор филологических наук, профессор*  
*Ахмедова Шоира Негматовна, доктор филологических наук, профессор*  
*Дурдыев Дурдыемурад Каландарович, доктор физико-математических наук, профессор*  
*Хайтов Шахман Ахмадович, доктор исторических наук, профессор*  
*Тураев Халим Хаджиевич, доктор исторических наук, профессор*  
*Мирзаев Шавкат Мустакимович, доктор физико-математических наук, профессор*  
*Махмудов Насыр Махмудович, доктор экономических наук, профессор*  
*Буриев Сулаймон Буриевич, доктор биологических наук, профессор*  
*Олимов Ширинбай Шаратович, доктор педагогических наук, профессор*

© Педагогическое мастерство, 2016

**MUNDARIJA-SODERJAHNIE-CONTENTS**

<i>R. Ro'ziyeva.</i> MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLARNING TADQIQOTI VA MA'NAVIY YANGILANISH.....	9
<i>I. Majidov, A. To'laganov, Sh. Olimov.</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA KADRLAR TAYYORLASH TIZIMINI MODERNIZATSİYALASHNING ISTIQBOLLI OMILLARI.....	12
<i>Sh. Abdullayeva.</i> PROFESSIONAL KOMPETENSIYA VA UNING SHAXS BARKAMOLLIĞIDAGI ROLI...	17
<i>G. Boymurodova.</i> O'QITUVCHILAR KASBIY KOMPETENTLIGINI UZLUKSIZ RIVOJLANTIRISHDA PEDAGOGIK TASHXISLASH XUSUSIYATLARI.....	22
<i>N. Tosheva.</i> PEDAGOGIK INNOVATSİYALAR O'QITUVCHILAR KASBIY KOMPETENTLIGI VA O'QUVCHILARNING O'QUV-BILUV FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH OMILI SIFATIDA.....	26
<i>J. Temirova.</i> O'QUV JARAYONIGA O'YIN LOYIHASI METODINI JORIY ETISH MUAMMOSI.....	30
<i>Sh. Hayitov.</i> MUHOJIR O'ZBEKLARDA FARZAND TARBIIYASI VA OTA-ONAGA HURMAT MUNOSABATLARI (1917-1991 YILLAR).....	33
<i>R.Nematova, Sh. Ulug'ova.</i> FARZANLARDA SOG'LOM MILLIY G'URUR RUHINI SHAKLLANTIRISHNING IJTIMOIY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI.....	36
<i>J. Oblaqulov.</i> O'SPIRIN YOSHLAR DUNYOQARASHINI SHAKLLANTIRISHDA TARIXIY TAFAKKURNING TARBIIYAVIY-PSIXOLOGIK AHAMIYATI.....	40
<i>Z. Jalilov.</i> IMOM G'AZZOLIY MA'NAVIY MEROSIDA TARBIIYAVIY QADRIYATLAR AKSI.....	44
<i>M. Bafayev.</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MILLIY BAG'RIKENGLIKNI SHAKLLANTIRISH MASALALARI.....	47
<i>Sh. Samiyeva.</i> O'QUVCHILARDA ESTETIK DUNYOQARASHNI TAKOMILLASHTIRISHNING MUHIM OMILLARI.....	51
<i>L.Eliboyeva.</i> KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNING PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK TAVSIFI.....	54
<i>N. Xayitova.</i> KICHIK MAKTAB YOSHIDA SHAXS RIVOJLANISHI.....	58
<i>L. Olimov, N.Sanakulova.</i> MOTIV PSIXOLOGIK KATEGORIYA SIFATIDA.....	62
<i>T.Xusayinov, Sh. Tadjixodjayeva, S.Boltayev.</i> PEDAGOGLARDA KASBIY SO'NISH SINDROMI SABABLARI: NAZARIY TAHLIL.....	66
<i>S. Gorban.</i> UKRAINADA SAKRAL RASSOMCHILIKNING PAYDO BO'LISHI VA BO'LG'USI RASSOMLARNI PROFESSIONAL TAYYORLASHNING HOZIRGI HOLATI.....	72
<i>A. Hoshimov.</i> TA'LIM TIZIMIGA FUQAROLIK JAMIYATI FANINING KIRITILISHI ZARURIYATI.....	79
<i>L. Murodova.</i> TASVIRIY SAN'AT FANINI O'QITISH USLUBIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA MILLIY MEROSDAN FOYDALANISH OMILLARI.....	83
<i>A.Hamroyev.</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARI VA UNGA ZAMONAVIY YONDASHUV.....	87
<i>G. Hojiyeva.</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA XORIJIY TILNI AMALIY O'RGANISHNI TASHKIL ETISH.....	92
<i>N. Sayfulloyeva, D.Rahmonova.</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIGA XORIJIY TILNI O'RGATISH TAJRIBASIDAN.....	96
<i>S. Avezov.</i> SHE'RIYATDA BUXORO MADHI TALQINI.....	101
<i>M. Rahimov.</i> INNOVATSION USULLAR VA LUG'ATNI O'QITISHDA YONDASHUV.....	104
<i>S. Muxamedjanova.</i> INGLIZ TILINI O'RGATISH ASOSIDA TILGA IXTISOSLASHMAGAN OTMLARDA BO'LG'USI MUTAXASSISLARDA MULOQOTMANDLIKNI RIVOJLANTIRISH TEXNOLOGIYASI.....	107
<i>M.Qahhorova.</i> INGLIZ TILIDA GAPNING TUZILISHI.....	110
<i>H.Kamolov, M.Hamdamiyov.</i> JADVALLAR BILAN ISHLASHDA XESH FUNKSIYASIDAN FOYDALANISH.....	114
<i>S. Abdurahmonov, E.Xudoyarova.</i> KIMYO O'QITISHNING ZAMONAVIY USULLARI.....	117
<i>Q.Dilmonov.</i> INNOVATSİYANING MUHIMLIGI VA UNI ZAMONAVIY JAMIYATDA TARAQQIY ETIRISH.....	123
<i>O. Xurramov.</i> REKLAMA SAVDONI KUCHAR TIRISH OMILI SIFATIDA.....	128
<i>B.Sadullayev.</i> BOLALAR VA O'SMIRLAR SPORT MAKTABIDA O'RTA MASOFAGA YUGURUVCHI YOSH O'GIL BOLALARNING UMUMIY CHIDAMLILIGINI TARBIIYALASH.....	134
<i>A.Ikromov.</i> BO'LG'USI SPORTCHILARDA TEZKORLIKNI TARBIIYALASH MASALALARI.....	139
<i>N. Teshayev.</i> "SOG'LOM ONA VA BOLA YILI"NING MA'NAVIY-HUQUQIY ASOSLARI.....	144
E'lonlar.....	147

Muharrirlar: Nasiba XAYITOVA, Rano ZARIPOVA  
Musahhih: Muxiddin BAFAYEV.

3. Цукерман Г.А. Опыт типологического анализа младших школьников как субъектов учебной деятельности // Вопросы психологии. – 1999. – № 6. – С.3-17.

Лазиз Олимов  
Бухоро давлат университети  
Психология кафедраси катта ўқитувчиси.  
Нигора Санакулова  
Бухоро давлат университети  
Психология йўналиши 3-курс талабаси.

#### МОТИВ ПСИХОЛОГИК КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА

*Мазкур мақола мотив ва мотивация муаммосига бағишланган бўлиб, унинг психологик категория сифатида ўрганилиши ва бир қатор психологлар томонидан талқин этилиши, унинг турлари ва шахс хатти-ҳаракатига таъсирини ўрганиши билан баҳоланади.*

**Таянч сўзлар:** фаолият, шахс, мотив, мотивация, эҳтиёж, мақсад, психоаналитик концепциялар, психологик категория.

*Данная статья посвящена проблемам мотива и мотивации, изучение ее как психологической категории оценивается изучением воздействия на деятельность личности.*

**Ключевые слова:** деятельность, личность, мотив, мотивация, потребность, цель, психоаналитические концепции, психологическая категория.

*This article is devoted to problems of motive and motivation, her studying as psychological category is estimated by studying of impact on activity of the personality.*

**Key words:** activity, personality, motive, motivation, requirement, purpose, psychoanalytic concepts, psychological category.

Агар инсон ҳаёти унинг ривожланишига қараб олдинга ҳаракатланиш бўлса, унда ҳаёти бу ўз-ўзини такомиллаштириш ҳамда ўз шахсиятининг ўсишида энг юқори натижаларга эришиш йўлидаги доимий равишда янги-янги тўсиқларни бартараф этиш жараёни деб айтсак бўлади. Ва бу жараёнда инсоннинг ҳар бир қилган хатти-ҳаракатининг маъносини англаб етиш энг асосий рол эгаллайди. Бунда қуйидагича савол пайдо бўлади: инсон фаолияти ва унинг хатти-ҳаракатига нима таъсир қилади? Нима сабабдан инсон бирор бир хатти-ҳаракатни амалга оширади? Бу ишни бажаришга уни нима даъват қилади?

Ахир ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки фаолият асосида (худди шундай ҳаракатсизлик) қандайдир мотив бор. Биз бир-биримиз билан мулоқотда бўлишимиз учун, атрофимиздаги инсонлар ҳамда ўзимизни ва жамиятдаги кишиларнинг қилаётган ишини тушуниб етишимиз учун, авваламбор, мотивация нима эканлигини билишимиз зарур.

Мотивация – лотинча “movege” сўздан олинган бўлиб, ҳаракатлантириш деган маънони билдиради. Мотивацияга бир нечта таърифлар мавжуд:

Мотивация – бу ҳаракатга келтирувчи омилдир.

Мотивация – бу инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият ёки хатти-ҳаракатни бажариш қобилиятидир.

Мотивация – бу психофизиологик жараён бўлиб, у инсоннинг хулқ-атворини бошқарадиган ҳамда унинг фаоллиги ва ташкилотчилигига баҳо берадиган кўрсаткичдир.

Ҳозирги кунда бу тушунча психологлар томонидан турлича талқин қилинади. Баъзи психологларнинг айтишича, мотивация бу жараёнлар мажмуи. Бошқалари эса, мотивация бу мотивлар жамланмасидир дея таъкидлайдилар.

Мотив – бу идеал ёки моддий предмет, қайсиқим ўша нарсага етишиш ёки эришиш инсон фаолиятининг маъносини ташкил этади. Инсон фаолиятида у ўзига хос алоҳида кечинмалар кўринишида намоён бўлади. Улар ушбу мақсадга эришишда ижобий эмоциялар билан тавсифланади ёки мақсадга эришилмаганлик сабабли қониқмаганлик ҳисси каби салбий

эмоциялар билан ҳам характерланади. Мотивни англаб етиш чуқур ички жиддий жараёни ўтишдан иборатдир. Мотив шахсни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжларнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички туртки ҳисобланади. Эҳтиёж ва инстинкт, майл ва хиссиёт, идеал ва бошқалар мотивлар жумласига киради. Ҳозирги замон психологиясида мотив атамаси субъектни фаоллаштирувчи турли ҳодиса ва ҳолатларни ифодалаш учун қўлланилади.

Ҳоҳиша мотивни эҳтиёж ва мақсад билан адаштирамиз. Аммо эҳтиёж – онгсиз равишда ноқулайликни бартараф этишга йўналтирилган хоҳишдир. Мақсад – бу англанилган майл бўлиб, унда инсон режалаштирган ҳаракатни амалга оширади. Масалан, оч қолиш бу – эҳтиёж, овқат истеъмол қилиш истаги бу – мотив, лекин, ихтиёрсиз равишда қўл узатиладиган овқат бу – мақсад [7].

Мотивлар эҳтиёж сабабли юзага келади, ривожланади ва шаклланади. Шу билан бирга, мотивлар нисбатан мустақил таъсир кучига эга бўлади. Эҳтиёж мотивнинг кучи ва барқарорлигини белгилайди. Турли инсонларда бир хил эҳтиёж мавжуд бўлсада, улар турли мотивга эга бўлишлари ҳам мумкин. Инсон хулқ – атери ва фаолияти мотивлари ўзига хос ва ўзгарувчан бўлади. Уларнинг ривожининг атрофдаги олам, тарбиявий мақсадга интилиш таъсир кучига боғлиқ. Эҳтиёж ва мотивлар боғлиқлиги инсон фаолиятини амалга оширишдаги хулқ-атвори билан ифодаланади. Шундай қилиб, хатти-ҳаракат ва фаолият мотивларининг мажмуаси мотивация дейилади.

Мотивация барча педагогик таъсир тизимида шаклланади, бироқ, бевосита илм олиш фаолиятида тарбияланади. Ижобий мотивацияни шакллантиришга таълим мазмуни, таълимни ташкил этиш, шахсий ўқитиш каби масалалар муҳим ўрин тутаяди. Ҳозирга қадар фундаментал билимлар ва амалий муаммоларни қамраб олган мотивация назарияси батафсил ўз ифодасини топмаган. Мотивациянинг қуйидаги: бу субъектнинг эҳтиёжларини қондиришга боғлиқ бўлган фаолиятга томон интилишидир; маълум кучга предметли – йўналтирилган фаолликдир; шахсий ҳаракат ва интилишлар асосида ётувчи англанилган сабаблар ифодаси сифатидаги таърифлари мавжуд. Мотивация тушунчаси инсон фаолиятидаги хулқ-атворни тушунтириш учун фойдаланилади ҳамда жараён, услуб, восита сифатида ифодаланади.

**Ташқи мотивация** – бу шундай мотивация кўринишики, унда инсоннинг ташқи омил талабларига мос пайдо бўлади. Мисол қилиб, мусобақаларга қатнашиш орқали ютуқларга эга бўлиш.

**Ички мотивация** – бу шундай мотивация кўринишики, унда ташқи омиллар талабларидан қатъий назар инсоннинг ички эҳтиёжларига асосланади. Мисол учун, спорт билан шуғулланиш, чунки бу ижобий эмоцияларни келтириб чиқаради.

**Ижобий мотивация** – бу шундай мотивацияки, инсоннинг ижобий қизиқишларига асосланади. Масалан, агар боланинг фикрлаши: агар мен ёмонлик қилмасам, менга компьютер ўйнашга рухсат беришади.

**Салбий мотивация** – бу шундай мотивацияки, инсоннинг салбий қизиқишларига асосланади. Масалан, агар мен ёмонлик қилмасам, ота-онам мени қойишмайди.

**Мустаҳкам мотивация** – бу инсоннинг табиий эҳтиёжларига асосланган мотивациядир. Мисол учун, ташналикни, очликни қондириш.

**Номуустаҳкам мотивация** – бу доимий ташқи қўллаб-қувватлашни талаб қиладиган мотивациядир. Мисол учун, чекишни ташлаш, озиш ва бошқалар [6].

Мотив ва мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли-туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узоқ ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан фарқланувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашган. Ҳозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Рус ва собик шўро психологияси намоянадалари К.Д. Ушинский, И.М. Сеченов, И.П. Павлов, В.М. Бехтерев, А.Ф. Лазурский, В.Н. Мясинев, А.А. Ухтомский, Д.Н. Узнадзе, С.Л. Рубинштейн, А.Н. Леонтьев, П.М. Якобсон, В.С. Мерлин, Л.И. Божович, В.И. Селиванов, В.Г. Асеев ва бошқалар мазкур муаммо юзасидан тадқиқот ишлари олиб борганлар. Юқоридагилардан ташқари Европа ва Америка мамлакатларида мотивацияга оид ўттиздан ортик илмий концепциялар мавжуд: интереспектив психология, бихевиоризм, гештальт-

психология, психоанализ, структуравий психология, ассоцианистик психология, эмпирик психология, аналитик психология, гуманистик психология, антропологик психология ва ҳоқозолар.

Бихевиоризм – XIX асрнинг охирида бир канча Америка психолог ва физиологлари, жумладан, Э. Торндайк, Ж. Уотсон, К. Лешли, А. Вейс ва бошқалар эмпирик психологияни танқид қилиб чиқдилар. Асосан, Ж.Уотсон бихевиоризмга асос солган йирик олим. У психология фанининг бош вазифаси хулқни тадқиқ этишдан иборат деб тушунади. У психик ходисалардан мутлақо воз кечиб, хулқни икки шаклга, яъни “ички” ва “ташки”га ажратади, улар ўзаро жавоблар стимули билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бихевиоризм учун “хулқ” асосий тушунчага айланиб, унинг психика билан алоқаси четлаб ўтилганлигидадир. Шунга қарамадан, баъзи бихевиористлар, жумладан, Э. Торндайк, Э. Толмен, К. Холл, Д. Хебб қабилар хулқ мотивациясига муайян даражада эътибор қилганлар. Улар ўзларининг изланишларида хулқ мотивациясининг “қуйи даражалари”ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик, ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбатан намоён бўлиш хусусияти, ҳар хил шароитда мотивациянинг кучи тўғрисида муайян қонуниятларни очишга интиланлар [4, 442].

Вильям Макдугалл (1871–1938) мотивациянинг ирсий (табиатдан бериладиган) хусусиятга эга деган ҳолатни асослаш учун туғма инстинктлар масалалари билан мазкур воқеликни боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, туғма инстинктлар ҳам инсонларга, ҳам ҳайвонларга бир текис тааллуқли бўлиб, улар одамларнинг мотивидан олдин 14 та, кейинчалик эса 18 тагача “асосий инстинктлар” сифатида ҳукм суриши мумкин. Умуман олиб қараганда, бихевиористлар учун бир қатор ҳолатлар ўзига хосликка эга.

Бихевиоризм мотивация моделини топиш билан шуғулланиб ва хулқ принципларини вуҷудга келтира бориб, ҳайвон хулқи ҳамда уларда кашф этилган хулқ мотивацияси қонуниятларига асосланиб, инсоннинг хулқ мотивацияси юзасидан хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. Бихевиоризм инсонни биологик мавжудот сифатида қараб, унга биологик жабҳада ёндашади, оқибат натижада унинг ижтимоий моҳияти тадқиқот предметидан четда қолиб кетади.

Бихевиоризм ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос бўлган хулқнинг умумий принципларини топишга интилади.

Бихевиористлар инсонни шахс сифатида тараққий этиш жараёнини ифодаловчи ўзига хослигини ё четлаб ўтадилар ёки ўта содда тарзда изоҳлашга мойилдирлар [1].

Психоаналитик концепциялар негизида мотивация инсон майлларига хосдир, деган ғоя ўтади. Уларнинг манбаи сифатида майли акс эттирувчи қайсидир органдаги ёки унинг қисмидаги соматик жараён тушунтирилади.

Австриялик невропатолог ва психолог З. Фрейднинг концепциясида майллар ва инстинктлар тушунчалари ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. Онгсизлик таълимотининг асосчиси З. Фрейд хулқ мотивлари ва эҳтиёжлари муаммосини ишлаб чиқаётиб, мотивациянинг манбаи инстинкт, у тур ва индивиднинг сақланиш шартидир – деб таъкидлайди. Мазкур ҳолатни муаллиф индивиднинг энергетик потенцияси сифатида талқин этади. Энг асосий масала шуки, З. Фрейд мотивация регулятори ва мотивация энергиясининг ирсий манбаи сифатида “У” тушунчасига қандай маъно юкламоқчи? Унингча, “У” тушунчасининг мазмуни туғма ва ўзгармасдир. Худди шу бонс мантик қонунари ва ақл даражалари, кўрсаткичлари унга ҳеч қандай аҳамият қасб этмайди. З. Фрейд таъкидлаб ўтган динамик хусусиятлар ва хоссалари моҳиятида мотивациянинг чуқур асосий манбасини кўради. Унинг концепциясида инсон хулқи ва ҳаракатининг двигатели жинсий инстинкт ҳамда унинг трансформацияси устувор ўрин эгаллайди [2].

Гештальтпсихология ёки бошқачасига структура, яхлит психология. Мазкур йўналишнинг асосий вакиллари Х. Эренфелс, В. Келлер, К. Кофкалардир. Улар барча мураккаб психик жараёнлар элементар ходисалардан – сезгилардан таркиб топади – деб ҳисоблаган ассоциатив психологияни танқид қилиб чиқдилар. Гештальтпсихологиянинг вакиллари ҳар бир психик ходиса яхлит образдир, яхлит структура – Гештальтдир, деган назарияни илгари сурдилар. Ҳар бир психик ходисанинг мазмуни унинг таркибига қирган қисм ва элементларнинг йиғиндисига нисбатан мазмундорроқ ва бойроқдир. Айрим элемент ва қисмларнинг йиғиндиси бутуннинг мазмунини белгиламайди, балки, аксинча, бутун қисм ва элементларнинг хусусиятларини бел-

гилаб беради. Бу психик структуранинг яхлитлиги назарияси, аввало, идрок фактлари асосида ишлаб чиқилган эди. К. Левин эса (1890-1947) мотивларни экспериментал ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уларни мутлако мустақил ҳолат сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган ва бу борада муайян муваффақиятларга эришган. Гештальтпсихология мактабининг намояндаларига образ тушунчаси қанчалик ўта аҳамиятли бўлса, К. Левиннинг майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай муҳим хусусият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алоқасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли, маъновий мазмуни эса инкор қилинади. К. Левин хулқни мана бундай изоҳлашга интилади, муайян муваққатли микроинтервалда шахснинг бевосита яққол муҳит билан муносабатларидан келиб чиқувчи воқелиқдир [5].

Аммо грузин психологи Д.Н. Узнадзе мотивларни установка деб талқин қилади. Установка – ўзбек тилида кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш маъносида қўлланилиб келинади. Установка деганда, билиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум услубда қондиришга руҳий жиҳатдан тайёр туришлик тушунилади. Установка шахснинг ўзи англаб етмаган муайян руҳий ҳолати ёки майлидир. Бундай ҳолатда шахс бирон-бир эҳтиёжни қондириш мумкин бўлган маълум фаолиятга нисбатан руҳан тайёр туради. Установканинг мавжудлиги ва унинг қонуниятлари экспериментал тарзда таъкидлаб ўтилган илмий мактаб намояндалари томонидан аниқланган. Мазкур тажрибада синалувчига иккита, биттаси катта, иккинчиси эса кичикроқ соққачани узлуксиз равишда бир нечта (10-15) марта кўзи юмук ҳолда пайпаслаб таққослаш таклиф қилинади. Экспериментнинг навбатдаги босқичида соққачалар алмаштирилиб, барабар жисмлар ҳар хил туюлади, яъни синалувчида иллюзия (ногўғри акс эттириш) ҳолати юзага келади. Бундай психологик воқеанинг вужудга келишига асосий сабаб шуки, объектив жиҳатдан ўзаро тенг соққачалар таққосланганлигида улар бир-бирига тенг эмас, деган майл билан фавқулодда субъектив шароитда иш тутилганлигидир. Ушбу ҳолат оддийроқ қилиб тушунтирилганда, таққослаш жараёни установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) асосида амалга оширилганлиги учун шундай оқибатга олиб келгандир.

Д.Н. Узнадзенинг таъкидлашича, инсонда установка билан боғлиқ психофизиологик ҳолат марказий нерв системасигина эмас, балки унинг периферик қисми фаолиятини ҳам маҳсули бўлиб ҳисобланади. Д.Н. Узнадзенинг тажрибаларида синалувчининг ўнг қўлига навбат билан аввал катта, кейин кичик соққачалар бериб турилади ва бу вазият 10-15 марта такрорланади. Тажрибанинг охириги босқичида синалувчининг чап қўлига бир-бирига тенг соққачалар берилди. Бунинг натижасида унинг чап қўлида ҳам иллюзия, яъни ногўғри идрок қилиш вужудга келади. Кўз билан идрок қилишда иккита ўзаро тенг объектларни қайд қилишдаги установка ўнг қўзга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Экспериментал тарзда ўрганилган установкали вазиятларни такрорлаш эвазига инсоннинг ўзига сезилмаган ҳолда муайян объектларда субъектга тааллуқли “фиксал установкалар” (қайд этилган установкалар) вужудга келганлиги аниқланган. Демак, установкани экспериментал тадқиқот этиш натижасида англанилмаган майллар аста секин қайд қилинувчи (фиксация) даражасига ўсиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий турмушда Д.Н. Узнадзенинг натижаларига ўхшаш қатор маълумотлар шахсда мустақамланиб қолганлиги туфайли установка функцияларини бажариб келмоқда:

1) бошланғич синф ўқувчиларининг олдида турган установкалар худди шундай тоифага кирганлиги сабабли ўқитувчининг барча топшириқларини дарҳол бажаришга тайёр турадилар;

2) ҳисобчиларга нисбатан кўрс, расмиятчи дейишлик;

3) олимларга нисбатан паришонхотирлик;

4) савдо ходимларига нисбатан уддабуронлик, даромад қилишга устаси фаранглик;

5) боланинг ҳақгўйлиги, сир тутмаслиги;

6) қариянинг сўзи тугагунча ўсалнинг жони узилиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар установкага яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, баъзи жамоаларда, гуруҳларда, оилаларда установкага асосланиш, уларга ишонч нохуш оқибатларга олиб келади. Авторитар тафаккур, миллий стереотип, этник расм-русумлар ҳам установкага мисолдир. Даволовчи шифокорнинг установкаларига беморнинг рия қилиши ирқчилик муносабатлари, илмий унвонли зиёдиларга берилган супер (орттирма)

баҳолар ва бошқалар установканинг англанилмаган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Шунинг таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда шахс учун англанилмаган установа ўз позициясини аниқ намойиш қилишда этикод сифатида гавдаланади, англанилмаган омиллар тарикасида акс этади.

Установканинг юксакроқ босқичи англаниш кўринишга эга бўлади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатларда унинг аъзоларини ишонтириш (уларга таъсир ўтказиш) орқали муайян йўналишга сафарбар қилиш; фикрларда умумийликни вужудга келтириш ҳолатлари бунга ёрқин мисолдир. Ишониш ва ишонтириш одамларнинг характер хислатига, хулқ-атвориغا бевосита боғлиқ [3].

Шундай қилиб, мотив – инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият бўлса, мотивация – хатти-ҳаракат ва мотивларнинг мажмуасидир.

#### Адабиётлар

1. Makdugall V. The group Mind. – Cambridge, 1920. – 348 p.
2. Зигмунд Фрейд. Психоанализ. – М.: Высшая школа, 1996. – с. 346.
3. Узнадзе Н. Теория установки. – М.: Высшая школа, 1993. – с. 242.
4. Иванов П.И., Зуфарова М.Е. Умумий психология. – Т. 2008. – Б. 435-442.
5. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.: Университет, 2002. – Б.167.
6. [https:// ru.wikipedia.org](https://ru.wikipedia.org).
7. <http://psihologija-motivacii.php>.

---

**Тимур Хусяинов**  
Аспирант кафедры социальной философии Нижегородского государственного  
университета им. Н.И. Лобачевского (Нижний Новгород, Россия).

**Шахноза Таджиходжаева**

Преподаватель Шайхантаурского медицинского колледжа г. Ташкента.

**Сардор Болтаев**

Студент 3-курса социально-экономического факультета  
Бухарского государственного университета.

---

#### ПРИЧИНЫ СИНДРОМА ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ВЫГОРАНИЯ У ПЕДАГОГОВ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

---

*Мазкур мақола психологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлган замонавий педагогларнинг касбий фаолиятида дуч келадиган касбий сўниш синдроми муаммосига бағишланган. Муаллифлар томонидан педагогик ходимлар ўртасида мазкур ҳолат кечилишининг асосий сабаблари кўриб чиқилган.*

**Таянч сўзлар:** касбий сўниш, сўниш синдроми, меҳнат фаолияти, касбий фаолият, педагог, педагогик фаолият, депрессия, эмоционал ҳолат.

*Данная статья посвящена одной из важнейших тем в психологии профессиональной деятельности современных педагогов – синдрому профессионального выгорания. Авторами рассмотрены основные причины данного явления среди педагогических работников.*

**Ключевые слова:** профессиональное выгорание, синдром выгорания, трудовая деятельность, профессиональная деятельность, педагог, педагогическая деятельность, депрессия, эмоциональный стресс.

*This article is devoted to one of the major themes in psychology of modern professional work of teachers - professional burnout syndrome. Authors have considered basic reasons of this phenomenon among pedagogical workers.*

**Key words:** professional burnout, burning out syndrome, labor activity, professional activities, teacher, pedagogical activities, depression, emotional stress.